



ISSN: 2181-9416

YURIST AXBOROTNOMASI

ВЕСТИНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

HUQUQIY, IJTIMOIIY, ILMIY-AMALIY JURNAL



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU

ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКЛАР ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ ҲАМДА ЖИНОЯТЧИЛИК ТАҲЛИЛИ

МАХТУМОВА Юлдуз Ботир қизи

Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети
мустақил изланувчиси (PhD)

E-mail: Yulduzmxtumova@gmail.com

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): Махтумова Ю.Б. Хотин-қизларга нисбатан содир этиладиган тазйиқ ва зўравонликлар тушунчаси, турлари ҳамда жиноятчилик таҳлили // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2025) Б. 104–113.



3 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2025-2-15>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Хотин-қизларга нисбатан содир этиладиган тазйиқ ва зўравонликлар тушунчаси, турлари ҳақида тушунчалар берилган. Хотин қизларга нисбатан содир этилган ҳуқуқбузарликлар таҳлили қилинган, ва кенг ёритилган, республика бўйича статистика келтирилган. Шунингдек фуқаролик суларига муурожаат қилишда тазйиқ ва зўравонликлага учраган хотин-қизларга имтиёзлар белгилаш, таълим тизимини янгилаш ва аёлларга нисбатан ҳуқуқбузар томонидан қўйилган чекловларни тақиқлаш ва айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўсқимчалар киритиш ҳақида тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: Хотин-қизларга, тазйиқ, зўравонлик, жисмоний, рухий иқтисодий жинсий зўравонлик, тақиб этиш, жиноятчилик таҳлили.

ПОНЯТИЕ, ВИДЫ И АНАЛИЗ ПРЕСТУПЛЕНИЙ СОВЕРШЁННЫХ ПРОТИВ ЖЕНЩИН И ДЕВОЧЕК

МАХТУМОВА Yulduz

Республика Узбекистан Университет общественной безопасности
независимый исследователь

E-mail: Yulduzmxtumova@gmail.com

АННОТАЦИЯ

В статье подробно анализируются составы преступлений и виды насилия в отношении женщин и девочек. В статье отражены статистические данные по республике широко представленные и распространенные в открытых источниках. Даны рекомендации по пересмотру законодательства о правах женщин, подвергшихся притеснениям и насилию в процессе получения гражданства, а также по пересмотру прав женщин, внесению изменений и дополнений в некоторые законодательные акты.

Ключевые слова: Домогательство, насилие физическое, психологическое, экономическое, сексуальное насилие в отношении женщин, анализ преступности.

THE CONCEPT, TYPES AND ANALYSIS OF CRIMES AGAINST WOMEN AND GIRLS

MAKTUMOVA Yulduz

Public Security University of the Republic of Uzbekistan

Independent Researcher (PhD)

E-mail: Yulduzmaxtumova@gmail.com

ANNOTATION

The article provides information about the oppression that has occurred in these girls. An analysis of the crimes committed against women and girls was made, and the statistics of the republic were widely covered. Recommendations were made on the revision of the law on the rights of women who were subjected to oppression and violence when applying for citizenship and on the examination of the rights of women and on amendments and additions to certain legislative acts.

Keywords: Harassment, violence, physical, psychological, economic, and sexual abuse against women is a crime.

Бугунги кунда жаҳоннинг 155 мамлакатада оилавий зўравонлик тўғрисида қонунлар қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам 2019 йил 2 сентябр куни “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган бўлиб, унда “Жамиятда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка доир мурасасизлик муҳитини яратиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш” хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан этиб белгиланган.

Адабиётларда зўрлик — бирор кишининг иккинчи бир кишини зўравонлик, жисмоний куч ишлатиш йўли билан ҳўрлаши, жабр-зулм қилиши [1, Б.199], зўрлик-бирор кишининг иккинчи бир кишига нисбатан зўрлик қилиши, зўравонлик, жисмоний куч ишлатиш йўли билан ҳўрлаши, жабр-зулм қилиши [2, Б.410], қонун билан тақиқланган маънавий, руҳий ва жисмоний зарар етказувчи ҳаракатларни шахс хоҳиш иродасига қарши равишда амалга ошириш [3, Б.405], зўравонларга хос хатти-ҳаракат, зўрлик, куч ишлатиш, ўзгаларга қонунсиз равишда куч ишлатувчи, зўрлик қилувчи, жисмоний бақувватлик, кучлилик, улканлик, шиддатлилик [4, Б.167-168] деб турлича таъриф берилган. “Зўрлик” сўзинининг этимологик таҳлилида бир киши бошқа бир кишининг (хоҳиши)иродасига қарши содир этган қандайдир ҳаракатдан иборатдир. Аммо ҳар доим ҳам зўрлик қонунга ҳилоф бўлмаслиги мумкин. Масалан, зарурий мудрофаа ҳолатида қўлланган зўрлик қонунуий ҳисобланади. Зўрлик тушунчасига синоним тарзда ўзбек тили изоҳли луғатида “зўравонлик”, “адолатсизлик” дея тариф берилган лекин зўрлик сўзи ахлоқий мазмуни нейтрал ҳисобланади ва ҳам ижобий ҳам салбий мақсадга эришиш воситасидир [5, Б.436].

А.Муродов эса “Зўравонликнинг мазмун-моҳиятига кўра уни қуйидагича шарҳлайди:

1) зўравонлик бирор-бир кишига нисбатан жисмоний таъсир ўтказиш, қасддан баданига турли даражада шикаст етказиш;

2) шахсга мажбурий таъсир кўрсатиш, яъни шахснинг устидан зўравонлик қилиш, унинг ихтиёрига зид бўлган хатти-ҳаракатларни қилишга мажбурлаш;

3) шахсга руҳий таъсир этиш орқали уни ўзига қарам қилиш ёки бўйсундириш” дея тасвирлайди [6, Б.13-14].

Зўравонликлар жумласига қийноққа тортиш, яккалатиб қўйиш, инсон иродасига қарши ҳаракат қилишга мажбурлаш ёки ундаш, ушлаб туриш, зўрлаш, таҳқирлаш, хўрлаш кабиларни киритиш мумкин. Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда таҳқирлаш деганда, жабрланувчининг шаъни ва ғурурини бир неча марта таҳқирлашни (масалан, тухмат қилиш, ҳақоратлаш, таъқиб этиш ва ҳоказоларни) тушуниш керак [7, Б.89]. “**Зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракасизлик) дир [8]. **Зўравонлик** — бу жароҳатлаш, суиистеъмол қилиш, зарар етказиш ёки йўқ қилиш учун жисмоний куч ишлатишдир. Жабрланувчининг ўлимга, психологиясига, ногўри ривожланишига ёки маҳрумликка сабаб бўлган, бошқа шахсга, гуруҳга ёки жамиятга қарши ҳар қандай кучни қасддан қўллаш, таҳдид қилиш ёки жароҳат етказиш зўравонликдир. Зўравонликнинг олдини олишда кўп шакллар мавжуд. Мамлакатдаги зўравонлик даражаси ва ўзгартирилиши мумкин бўлган омиллар ўртасида кучли боғлиқлик бор. Масалан, гендер тенгсизликлари, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, болалар ва ота-оналар ўртасида хавфсиз, барқарор ҳамда тарбиявий муносабатларнинг йўқлиги. Гарчи руҳий ва жисмоний саломатлик ҳамда индивидуал реакциялар, шахсиятлар ва бошқалар бу хатти-ҳаракатларнинг шаклланишида доимо ҳал қилувчи омиллар бўлиб келган бўлсада, зўравонликнинг асосий сабабларини ҳал қилувчи стратегиялар унинг олдини олишда нисбатан самарали бўлиши мумкин. Зўравонлик ўзгарувчан ҳодиса бўлиб, ўзини нозик ва ваҳший шаклларда намоён қилади. Айниқса, бунда шахснинг шаъни, қадр-қиммати, овозлиги, ҳуқуқ ва эркинлиги, ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятлар содир этилади [9, Б.10].

Жинсий зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шахвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка тажовуз қиладиган зўравонлик шакли, шунингдек зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлашдир [8]. **Жинсий зўравонлик** – бу очиқ-ойдин ёки яширин шахвоний ғояларни ўзининг ичига олган зўравонликнинг бир тури бўлиб, жинсий манфаатлар эвазига шахснинг ўзи истамаган ва номақбул ҳаракатларни қилишга мажбурлаш ҳолатидир [10, Б.2-5]. Жинсий зўравонлик оғзаки ҳаракатлардан тортиб жинсий тажовузгача бўлган барча ҳаракатларни ўз ичига олади. Таъқиб қилиш турли хил ижтимоий муҳитда, масалан, иш жойи, уй, мактаб ва бошқа ҳудудларда содир бўлиши мумкин. Таъқиб қилувчилар ёки таъқиб қурбонлари ҳар қандай жинс вакиллари бўлиши мумкин [11]. Бугунги ҳуқуқий контекстда жинсий зўравонлик ноқонуний ҳисобланади. Жинсий зўравонликка оид қонунлар, одатда, оддий гаплар ғийбат, оғзаки изоҳлар ёки алоҳида кичик ҳодисаларни таъқиқламайди – бунинг сабаби „умумий хулқ-атвор кодекси“ мавжуд эмаслигидир. Иш жойида таъқиб қилиш ҳолати агар у тез-тез, давомли ва оғир ҳолатда юз берган бўлса ва натижа иш билан боғлиқ салбий қарор қабул қилишга олиб келса (масалан, ишдан бўшатиш ёки истеъфога чиқариш) ёки душманлик ва ҳақоратли иш муҳитини яратса ноқонуний бўлиши мумкин. Бироқ, жинсий зўравонликнинг ҳуқуқий ва ижтимоий тушунчаси турли маданиятларда бир-биридан фарқ қилади. Россия қонунчилигида „жинсий зўравонлик“ деган таъриф мавжуд эмас. Ушбу концепцияга энг яқин бўлган қонун “жинсий характердаги ҳаракатларни амалга оширишга мажбурлаш“ ҳақидагиси бўлиб, бу Россия жиноят қонунчилигида Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 133-моддасида белгилаб

кўйилган [12]. Жинсий зўравонлик – мунтазам равишдаги жинсий зўрлашга нисбатан босим ўтказиш, куч ишлатиш, қўрқитиш ёки шантаж қилиш орқали жинсий алоқа қилишга мажбурлаш (зўрлаб номусга тегиш, аёл учун мақбул бўлмаган кўринишларда жинсий алоқа қилишга мажбурлаш, бошқа шахслар кўз ўнгидида жинсий алоқа қилишга мажбурлаш, болалар ёки учинчи шахслар билан жинсий алоқа қилишга мажбур қилиш, жинсий алоқа қилишга мажбурлаш ёки жинсий алоқа қилишга йўналтирилган ҳаракатлар билан жабрдийдага оғриқ ва соғлиғига зиён етказиш ва ҳоказо). Интим ҳамкор томонидан зўравонлик кўрсатиш – бу назорат қилинувчи ҳатти-ҳаракатларни мужассам этувчи жисмоний тажовуз, жинсий алоқа қилишга психологик мажбурлаш ва бошқа турли тазйиқларни ўзида намоён қиладиган, айти пайтдаги ёки аввалги интим ҳамкор томонидан амалга ошириладиган жисмоний, жинсий ёки психологик зарар етказиш [13, Б.126-127].

Жисмоний зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қиладиган зўравонлик шакли [8]. Жисмоний зўрлик жабрланувчига турли даражада тан жароҳатлари етказиш, уриш, жисмоний куч ишлатиш, жабрланувчининг қариндошларини, яқинларини ўлдириш, номусига тегиш ва ҳоказолар кўринишида бўлиши мумкин. Бунда оиланинг бир аъзоси томонидан бошқа аъзосига нисбатан қасддан унинг ҳаёти, соғлиғига ёки баданининг турли жойларига шикаст етказиш каби хатти-ҳаракатлар содир этилиб, қуйидаги кўринишларда намоён бўлади: шапалоқ тортиш, тепиш, турткилаш, мушт билан уриш; кучли зарб билан итариб юбориш; турли ўткир буюм ва нарсаларни отиш; қурол билан хавф солиш ёки яралаш; уйдан чиқишига жисмонан йўл қўймаслик кабилар бўлиши мумкин.

Жисмоний зўрлик жабрланувчига турли даражада тан жароҳатлари етказиш, уриш, жисмоний куч ишлатиш, жабрланувчининг қариндошларини, яқинларини ўлдириш, номусига тегиш ва ҳ.к. кўринишларда содир этилади [14, Б.42].

Таъкидлаш керакки, жинсий зўравонлик деярли барча ҳолатларда жабрланувчининг розилигисиз амалга оширилади [15, Б.7]. Т.Норбоева Жисмоний зўравонлик-итариш, чангаллаш, улоқтириш, тупуриш, шапатиллаш (муштлиш) ёки бошқа предметлар билан зарба бериш, тутқунликда тутиш, бўғиш, дўппослаш, калтаклаш, тепкилаш, қурол ишлатиш, қуйдириш орқали зарар етказиш, жабрланувчини ижтимоий ёки тиббий ёрдам олиши устидан тўлиқ назорат ўрнатиш ва шу кабилардир [13, Б.125] дейди.

Иқтисодий зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойларида ва бошқа жойларда амалга оширилган зўравонлик шакли, хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол топиш учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракасизлик) бўлиб бу шахсга зиён етказадиган ҳар қандай ҳолат ёки хатти-ҳаракатлардир [8]. Иқтисодий зўравонлик, масалан, мулкий зарар, молиявий ресурсларга, таълимга ёки меҳнат бозорига киришни чеклаш ёинки алимент каби иқтисодий мажбуриятларга риоя қилмаслик шаклида бўлиши мумкин. Моддий қарамлик деганда, жабрланувчининг айбдордан қонун билан белгиланган моддий ёрдам (пул, озиқ-овқатлар, кийим-кечаклар ва ҳоказолар) олиб келганлигини ёки унинг бевосита қарамоғида бўлган ҳолатлар тушунилади [7, Б.90].

Яни бошқа фарзандлардан айри тарзда қиз фарзандни таълим олишига тўсқинлик қилиш, рахбарлик лавозимидан фойдаланиб ходима аёлга иш жойида шилқимлик қилиш, аёл киши эканлигини рукач қилиб ишга олишдан бўйин товлаш, алимент тўлашдан бўйин товлаш кабилардир. Иқтисодий зўравонлик – ҳамкор устидан назоратни ўрнатиш учун пулидан фойдаланиш. Бу болаларни боқишдан бош тортиш, молиявий қарорларни фақат ўзи қабул қилиши, ҳамкорнинг пулни сўраб олиши ва ҳар қандай харажатлар бўйича тўлиқ ахборот бериши билан боғлиқ вазиятни юзага келтириш, даромадни яшириш, оилага тегишли бўлган пулларни сарфлаш, ишлашга рухсат бермаслик ёки аксинча ишлашга мажбур этиш, ишлаб топилган пулни тортиб олиб қўйиш ва ҳоказолардир [16, Б.127].

Рухий зўравонлик — хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга тухмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, кадр-қимматини камситиш, шунингдек уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан репродуктив соҳада назорат қилиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракасизлик). [7] Рухий зўрлик ишлатиш деганда жабрланувчига жисмоний зўрлик ишлатиш, унинг мол-мулкини nobуд қилиш, жабрланувчи сир сақламоқчи бўлган маълумотларни ошкор этиш билан унга таҳдид қилиш каби ҳолатлар тушунилади [17, Б.167]. Рухий зўрлик – жабрланувчига нисбатан жисмоний зўрлик ишлатиш, мол-мулкини nobуд қилиш ёки зарар етказиш ва жабрланувчи сир сақланишини истаган маълумотларни ошкор этиш ва ҳоказолар билан қўрқитиш. Рухий зўрлик ва жисмоний зўрлик бир-бирини тақозо этувчи ва бири иккинчисини тўлдиргандагина оқибат келиб чиқиши мумкин. Бунда қасддан оиланинг бир аъзоси томонидан бошқа аъзосининг шаъни ва кадр-қимматини камситиш орқали унинг руҳиятига таъсир кўрсатиш, ҳис туйғуларини сўндирувчи ҳаракатлар қилиш, қўрқитиш ва ҳақоратлаш билан унинг руҳиятига шикаст етказувчи сўзлар ва ҳаракатларни содир этишда намоён бўлади: ҳиссиёт ва ҳис-туйғуларни тан олмаслик; устидан кулиш; жазо чораси сифатида унинг ҳиссиётларига эътибор бермаслик; ёлғон сўзлар айтиб, ундан ўзининг манфаати йўлида фойдаланиш; дўстлари ва қариндошларига хавф етказиш билан қўрқиқиш ва улар билан алоқа қилишга йўл қўймаслик; у билан оммавий жойларга чиқишдан бош тортиш; оила бюджетини ўзи назорат остига олиш; қариндош уруғлар орасида шарманда қилиш; уйдан кетишини айтиб қўрқитиш; касал ёки ҳомиладор бўлганида унга ёрдам беришдан бош тортиш, тиббий ёрдам олишига қаршилиқ кўрсатиш.

Таҳлилларга қараганда, руҳий ва жисмоний зўравонлик бир-бирини тақозо этувчи ҳамда содир этилганда ҳамиша бири иккинчисини тўлдирувчи хусусиятга эгадир [18, Б.39-40]. Рухий зўрлик жабрланувчига нисбатан жисмоний зўрлик ишлатиш, мол-мулкини nobуд қилиш ёки зарар етказиш ва жабрланувчи сир сақланишини истаган маълумотларни ошкор этиш ёки қўрқитиш шаклида содир этилади [7, Б.95-96].

Таҳдид этиш деганда жабрланувчининг қаршилигини енгиш мақсадида унга жисмоний зўрлик ишлатиш нияти аниқлигини ифодаловчи ҳаракатлар ёки сўзлар билан қўрқитишни тушунишловим [19, Б.161]. Рухий зўравонликтаҳқирлаш, қўрқитиш, мажбурлаш ва тутқунликда тутишда намоён бўлади. У ўзида ҳақоратли сўзлар, фикрларни, ҳисларни, ўйларни, эътиқодни, ҳаракатларни доимий равишдаги танқид қилиш. Доимий сўроқлар, шантажлар, уйдан чиқиб кетиш ва кетганда ҳам болаларни ўзи билан олиб кетиш билан, ўз жонига, жабрдийдага ёки болаларга қасд қилиш қўрқитиш, болаларга, ота-онага, уй ҳайвонларига нисбатан зўравонлик содир этиш, жиҳозларга зиён етказиш, жабрдийдани доимий назорат остида тутиш ёки унинг атрофидагилари билан мулоқот ўрнатишини, телефон орқали сўзлашувини чеклаб қўйиш,

рашкнинг энг юқори даражадаги кўринишини намоён этиш, таъқиб қилиш, юзага келадиган ҳар қандай муаммоларда ҳамкорни айблаш, уйқу, овқат ейиш жараёнларини бузиш ва ҳоказолардир [13, Б.127].

Рухий зўравонлик асосан қуйидаги кўринишларда кўришимиз мумкин бўлади:

- а) шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситиш;
- б) шахснинг рухиятга таъсир этиш;
- в) ҳақорат ёки тухмат қилиш;
- г) доимий танқид қилиш, қўрқитиш;
- д) қариндош уруғлар орасида шарманда қилиш ва ҳ.к.

Тазйиқ — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракасизлик), шилқимлик, таъқиб этиш.[8] Ўзига нисбатан кучсизлиги ҳуқуқбузарга аён бўлган ҳолда жабрланувчи хотин-қизга қасддан Куч билан, зўрлаб ўтказиладиган таъсир, ёки сиқув. Ҳақорат қилиш, тухмат қилиш, жабрланувчи хотин-қизнинг сирини ошкор қилиш йўли билан қўрқитиш яъни товламачилик қилиш.

Таъқиб этиш — жабрланувчининг хоҳиш-иродасига қарши, унинг икки ёки ундан ортиқ марта қаршилиқ кўрсатганлигига ёхуд огоҳлантирганлигига қарамай содир этиладиган, жабрланувчини қидиришда, у билан оғзаки, телекоммуникация тармоқлари воситасида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ёки бошқа усуллари қўллаш йўли билан мулоқотга киришишда, унинг иш, ўқиш ва (ёки) яшаш жойига боришда ифодаланган ҳамда жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотирлик қўзғатадиган ҳаракатлар [8].

ТАДҚИҚОТНИНГ УСУЛЛАРИ: Хотин-қизларга нисбатан содир этиладиган тазйиқ ва зўравонликлар тушунчаси, турлари ҳамда жиноятчилик таҳлили мавзусини ўрганишда илмий тадқиқот методологиясида кенг қўлланиладиган усуллардан фойдаланилди. Мавзу юзасидан Хотин-қизларга нисбатан содир этиладиган тазйиқ ва зўравонликлар профилактикасининг ҳуқуқий асослари ҳақида ҳуқуқий, иқтисодий адабиётларни ҳамда статистик маълумотларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш усулидан фойдаланилди. Шунингдек, олимларнинг илгари сурган фикрлари, Хотин-қизларга нисбатан содир этиладиган тазйиқ ва зўравонликлар тушунчаси, турлари ҳамда жиноятчилик таҳлили бўйича бугунги кундаги муаммолар ва уларни ҳал этиш имкониятларни ўрганиш учун турли усуллардан фойдаланилди. Илмий таҳлил жараёнида умумлаштириш, таққослаш илмий тадқиқот усулларида ҳамда таҳлил қилишда эса синтез ва таҳлил усулларида кенг фойдаланилди.

МУҲОКАМА: Мадомики замон ривожланаётган экан ҳуқуқбузарликлар ҳам ўзгариб замонавийлашиб боради. Юқорида кўрсатилган тазйиқ ва зўравонлик турларига бугунги кунда кенг ривожланган киберзўравонликни ҳам киритиш лозим.

Киберзўравонлик ёки кибербуллинг — қасддан ҳақорат қилиш, ҳақорат қилиш, таҳдид қилиш, тухмат қилиш ва замонавий алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда, қоида тариқасида, бошқаларга зарар етказувчи маълумотларни етказиш [20; 21; 22; 23].

Ушбу тазйиқ тури ахборот маконида ахборот-коммуникация каналлари ва воситалари орқали амалга оширилади. Шу жумладан Интернетда электрон почта орқали, лаҳзали хабар алмашиш дастурлари, ижтимоий тармоқларда, форумларда, шунингдек, видео порталларда (YouTube, Video ва бошқалар) бузғунчи видео материаллар ва хабарларни жойлаштириш орқали (одатда одобсиз сўзлар билан) ёки мобил телефон орқали (масалан, SMS хабарлар ёки безовта қилувчи қўнғироқлар орқали). Кибир зўравонликнинг одатдаги зўравонлик турларидан бир неча фарқлари бор.

Кибермайдоннинг чегараланмаганлиги-шахсий ҳаётга доимий тажовуз. Безорилик вақт ёки географик чекловларга эга эмас. Хужумлар мактабдан ёки иш кунидан кейин тугамайди. Кибержиноятчи жабрланувчига техник воситалар: мобил телефон ёки ижтимоий тармоқ профили ва электрон почта орқали тўғридан-тўғри кириш ҳуқуқига эга. Доимий рақамлар ва ҳисоблар туфайли қурбон уйдаги хужумлардан ҳимояланмаган. Бунда вақт ва махсус жой талаб қилинмайди.

Жабрланувчининг зўравонликни чеклай олиш имкониятлари мавжудлиги. Жабрланувчи ўз ихтиёри билан ҳимояланиш мақсадида, зўравонлик кўрсатувчини қора рўйхатга киритилиши ва спам сифатида белгиланиши мумкин.

Зўравонликни назорат қилиш қийинлиги. Чексиз аудитория, ахборотни тарқатиш тезлиги. Электрон воситалар орқали юборилган хабарлар ёки расмларни онлайн бўлгандан кейин назорат қилиш жуда қийин. Кўп вақтдан бери унутилган контент яна оммага кўрсатилиши мумкин, бу эса жабрланувчига уни зарарсизлантиришни қийинлаштиради. Мисол учун, видеолар бир Интернет порталидан бошқасига осонгина кўчирилади.

Зўравонликнинг ким томонидан содир тилиши номаълумлиги. Ҳуқуқбузар ўз қурбонига ўзини кўрсатмайди, у аноним тарзда ҳаракат қилиши мумкин, бу эса унга кўринишда бўлса ҳам хавфсизликни таъминлайди ва кўпинча унинг салбий „кибер фаолияти“ давомийлигини оширади. Жабрланувчининг уни таҳқирлаётган „бошқа“ кимлигини билмаслиги уни кўрқитиши ва тинчликдан маҳрум қилиши мумкин. Ҳозирда ушбу ҳуқуқбузарлик зўравонлик сифатида кенг ривожланган ва алоҳида тазйиқ тури сифатида келтирилмаган.

Кибер зўравонликнинг энг ёмон томони унинг оқибатларининг маълум даражаси йўқ. Ундан жабрланган шахс ўз-ўзини ўлдиришгача бориши мумкин.

Хотин-қизларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси миқёсида содир этилган тазйиқ ва зўравонликлар 2024-2025 йиллар давомидаги статистикасига назар соладиган бўлсак, Хотин-қизларга нисбатан жисмоний зўравонликлар 2023 йилда 7744 тани ташкил этган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 10019 тани ташкил этган яъни 29% га ўсган, жинсий зўравонликлар 2023 йилда 29 тани ташкил этган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 47 тани ташкил этган яъни 62 % га ўсган, иқтисодий зўравонликлар 2023 йилда 304 тани ташкил этган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 236 тани ташкил этган яъни 21.5 % га камайган, руҳий зўравонликлар 2023 йилда 23289 тани ташкил этган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 30920 тани ташкил этган яъни 33 % га ўсган, тазйиқ ўтказиш 2023 йилда 8671 тани ташкил этган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 13460 тани ташкил этган яъни 55 % га ўсган, таъқиб этиш 2023 йилда 18 тани ташкил этган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 75 тани ташкил этган яъни 100% дан кўпроқ ўсган [24].

Ушбу статистика бизга йилдан-йилга хотин-қизларга нисбатан содир этилаётган тазйиқ ва зўравонликлар кўпроқ содир этилаётганлигини ва аниқланаётганлигини кўрсатади. Бунинг асосий сабаблари:

Бугунги кунда аёлларнинг ишсизлиги ва молиявий қарамлиги уларни “қўл синса енг ичида” қабилида иш тутишга мажбур қилмоқда яъни кўпчилик аёллар ўзларига нисбатан содир этилган зўравонликни ҳуқуқбузарга нисбатан моддий қарамликлари туфайли ошкор этмайдилар.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар уларга етказилган моддий ва маънавий зарар ҳақида тегишли идораларга мурожаат қилганларидан сўнг ва/ёки бу борада масъулиятли ташкилот ва муассасалар томонидан бу каби ҳолатлар аниқлангандан сўнг ҳуқуқбузарга нисбатан жазо чораси кўрилади. Агар бу каби ҳолатлар оила аъзолари

(эр, қайнона, ва бошқалар) томонидан содир этилган бўлса оилавий низолар келиб чиқиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Бу борада тегишлилиги бўйича Фуқаролик судлари томонидан кўриб чиқилиши керак бўлган муаммолар келиб чиқмоқда. Масалан ажрим, фарзандларини қарамоғига олиш, моддий ёрдам олиш каби масалалар Бу каби масалалар билан Фуқаролик судларига мурожаат қилинган тақдирга аризачи, жабрланган хотин-қиздан ишни кўриб чиқиш учун маълум миқдорда давлат божи талаб қилинади. Лекин моддий таъминотга эга бўлмаган ва бу борада кўп ҳолатларда ҳуқуқбузарга қарам бўлган тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар имконсиз ва чорасиз қолмоқда Гарчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида “Тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг зиммасига тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчини даволаш, унга маслаҳат бериш, уни тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказга жойлаштириш учун харажатларнинг, етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш, шунингдек, маънавий зиённи компенсация қилиш мажбуриятини юклаш;” [25] белгилаб қўйилган бўлсада, етказилган моддий-маънавий зиённи қоплаш ва бу борада олиб борилиши керак бўлган чора-тадбирлар масаласи амалиётда очиқлигича қолмоқда.

Ҳорижий давлатлар тажрибасига таянадиган бўлсак, Аргентина пойтахти бўлган Буенос-Айрес шаҳрида 2021-йилда содир этилган тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини ўзида акс эттирган шаҳар интерактив зўравонлик харитаси ишлаб чиқилган бўлиб, унда зўравонликларнинг содир этилишида шаҳарнинг қайси коммунаси (коммуна – маъмурий бирлик) қандай натижага эга эканлиги, айнан зўравонликнинг қайси тури қайси коммунада кўпроқ содир этилиши, зўравонликнинг ойлар кесимида таҳлили, қайси давлат фуқароларига нисбатан содир этилганлиги, қандай чора қўллангани каби маълумотлар акс этган [26].

- Бошқа давлатлар тажрибаларига асосланиб комплексли ҳамкорликдаги тизимлар яратиш ва тазйиқ ва зўравонликдан жабрланишнинг олдини олиш кўламини кенгайтириш лозим.

Таълим тизимидаги муаммолар, замон талабига жавоб берадиган таълим тизимининг тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги хотин-қизларни тўлиқ таълимга жалб қилиш ва ўз минталитетимизга ҳос бўлган ўзгача ёндашувнинг йўқлиги.

Ҳуқуқбузар томонидан жабрланувчига жисмоний, моддий, жинсий зўравонлик кўрсатилмасада ундан нисбатан шахсий мулк каби қарашнинг сақлаб қолинганлиги, унга нисбатан ўз манфаатларидан келиб чиқиб тақиқлар қўйилиши;

Ижтимоий тармоқлар ва интернет орқали қилинаётган зўравонликлар тобора авж олмоқда ва бу яниги зўравонликнинг бир туридир. Ушбу зўравонлик турининг олдини олиш имкониятлари чегараланган ва жабрланувчининг виктимлик даражаси юқори шундай бўлсада унга мос алоҳида чора тадбирлар тизими ишлаб чиқилмаган.

Бугунги кунда аёлларга нисбатан содир этилаётган кўплаб тазйиқ ва зўравонликларнинг остида шу каби муаммолар бор. Бу эса ўз навбатида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар латентлашувига олиб келади ва бу келажақда жиддий оқибатларга олиб келиши ва оғирроқ турдаги жиноятчиликка йўл очади.

АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР: Юқоридагиларда келтирилган кўрсаткичлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, хотин-қизларга нисбатан содир этилган тазйиқ ва зўравонликларнинг статистикасига асосан хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилишнинг қуйидаги йўларини ишлаб чиқиш лозим:

Аёлларни молиявий мустақил қилиш, уларга ўз-ўзини таъминлай олувчи касбга тайёрлаш ва ёки шу каби билан шуғулланиши учун имкон яратиш ва буни молиявий таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизда агар у моддий ва маънавий зиёни ундириш ва ёки бошқа масалаларда Фуқаролик судларига мурожаат қилганда тақдирда тўланиши лозим бўлган давлат божи ҳуқуқбузардан ундирилиши ва бунинг имкони бўлмаган истисно вазиятларда жабрланувчи бу каби тўловлардан озод этилиши лозим.

Хотин-қизларни имкон қадар таълимга жалб қилиш ва тўғри таълим-тарбия бериш билангина уларга нисбатан қилинган қилинган ва қилинаётган тазйиқ ва зўравонликнинг жабрланувчиси бўлиб қолишининг олдини олиш

Чеклов қўйиш-вояга етган, муомала лаёқатига эга бўлган хотин-қизларга нисбатан ижтимоий тармоқ воситаларидан фойдаланиш, замонавий ахборот ҳамда телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш, ақлан ва руҳан соғлом хотин-қизнинг хоҳиш иродасига қарши хоҳлаган жойига (дам олиш, оила аъзоларидан хбар олиш, тижорат мақсадида в.х.) бора олиш имкониятларини аёл киши бўлганлиги учун қилиб чеклов қўйишни бутунлай тақиқлаш.

Кибер зўравонликни тақиқловчи ёки уни чекловчи норматив қонун қабул қилиниши лозим. Унга бериладиган жазо чораси ҳам унинг келтириб чиқарадиган оқибатига қараб ҳисобга олиниши лозим.

ХУЛОСА: Аёлларга нисбатан содир этилган, уларнинг шаъни, кадр-қимматига зарар етказувчи жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш, куч билан, зўрлаб ўтказиладиган таъсир, ёки сиқув, ҳақорат қилиш, тухмат қилиш, жабрланувчи хотин қизнинг сирини ошкор қилиш ёъли билан кўрқитиш яъни товламачилик қилиш ва бошқалар хотин-қизларга нисбатан содир этилаётган тазйиқ ва зўравонликлар деб юритилади. Хотин-қизларга нисбатан содир этилаётган тазйиқ ва зўравонликлар содир этилиши мотив-мақсади, субъектив томонлари яъни ҳаракат шаклига кўра турларга бўлинади. Тазйиқ ва зўравонликлар турларига кўра уларни бартараф этиш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Иқтибослар/Сноски/Референсес:

1. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. –Т., 2009. – Б. 199.
2. Юридик атамаларнинг изоҳли луғати: 1-жилд. –Т., 2007. –Б. 410
3. Арифходжаева И.Х. Ички ишлар идоралари психологияси: Ўқув қўлланма. –Т., ИИВ Академияси, 2008. –Б. 405.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Т.: 2009. –Б. 167–168.
5. Й.М.Антанян. Преступления и наказание. Криминологический анализ: монография/ Й.М.Антанян, Б.Э.Эминов –М., Норма ИНФРА, 2014, 436-с.
6. Муродов Алишер Шарофонович Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси доктори “Ички ишлар органларининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш” Т-2019 йил 13-14 бет.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 1998 йил 11 сентябрь 20-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. –Т., 2018. –Б. 89-90.
8. Ўзбекистон республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни // URL: <https://lex.uz/acts/-4494709>.
9. Ал-Кавасми А.Х. Противодействие криминальному насилию в сфере семейно-бытовых отношений: автореф. Дис. Кан. Юрид. Наук. – Бишкек. 2011. – с.10.
10. Paludi, Michele A. “Definitions and incidence of academic and workplace sexual harassment”, Academic and workplace sexual harassment: a resource manual. Albany, NY: SUNY Press, 1991 — 2–5-бет. 9780791408308.

11. Dziech, Billie Wright; Weiner, Linda. The Lecherous Professor: Sexual Harassment on Campus. Chicago Illinois: University of Illinois Press, 1990. ISBN 978-0-8070-3100-1; Boland, 2002.
12. А. Хоткина. Что такое сексуальные домогательства? (рус.) trudprava.ru. 2018 йил 16 сентябрда асл нусхадан архивланган. Қаралди: 2020 йил 7 сентябр.
13. Т. Нарбаева “Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини оширишнинг инновацион модели” дис. кан. юрид.-Т., 2020 Б.125-127
14. Рустамбаев М.Х. Жиноят ҳуқуқи: Махсус қисм. –Т., 2006. –Б. 42.
15. Мусаев А.М. Ҳаётга қарши жиноятлар: назария ва амалиёт муаммолари. –Т., 2011. –Б.167.
16. Ўразалиев М.К. Оилада вояга етмаганларга нисбатан зўрлик ишлатиб содир содир этиладиган жинсий жиноятларни олдини олиш: автореф. дисс. кан. юрид. наук. –Т., 2011. –Б. 7-8.
17. Муродов А. Оиладаги зўравонлик тушунчаси, турлари ва жиноий ҳуқуқий тавсифи // Адвакат журнали. –Т., 2018. № 1. –Б. 39-40.
18. Тахиров Ф. Айрим хорижий мамлакатларда жинсий жиноятлар учун жавобгарлик / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбоев. –Т., 2009. –Б. 95–96.
19. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 2010 йил 29 октябрь 13-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. –Т., 2018. –Б. 161.
20. Подготовка будущих педагогов к обеспечению информационной безопасности школьников: диссертация ... доктора педагогических наук : 13.00.08 / Богатирева Юлия Игоревна; [Место защиты: ГОУВПО “Тулский государственный университет”]. — Тула, 2014. — 401 с.
21. Интернет-травля. Миф или реальность? / Н. М. Лахмытко // Методист. — 2015. — № 6. — С.21-24. — (Муниципальная методическая служба).
22. Парфентев У. Кибер-агрессоры // Дети в информатсионном обществе. — 2009. — Т. 2. — С. 66-67.
22. Джонс Б. Технологии для борьбы с кибертравлей / Б. Джонс, Г. Либерман, К ... СУБД. — 2011. — п 8. — с. 41-43.
23. Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ҳисоботи шакл -6.
24. 2020-йил 4-январь, 3-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. // URL: <https://lex.uz/docs/-4676892?ONDATE=04.09.2023>.
26. URL: <https://www.argentina.gob.ar/generos/linea-144/datos-publicos-de-la-linea-144-2022>.

YURIST AXBOROTNOMASI

3-SON 5-JILD

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 3, ВЫПУСК 5

LAWYER HERALD

VOLUME 5, ISSUE 3

ISSN 2181-9416

DOI JURNAL: 10.26739/2181-9416